



HURRIYAT

O'zingni angla!

Mustaqil gazeta

2017-yil 4-oktyabr, chorshanba * № 40 (1051) * 1996-yil dekabrda chiqarib boshlagan * Elektron manzil: info@uzhurriyat.uz * www.hurriyat.uz

МУЖМАЛЛИК — БУ ИЛЛАТДАН КУТУЛМАСАК, УЗОҚҚА БОРОЛМАЙМИЗ

Янги ҳаёт, янги талаблар, янги мезонлар ҳар бир фуқаро олдида кўндаланган қўйилляпти. Тонг отяпти. Кун ботяпти. Биз назарда тутган замондошимиз эғнидаги оппоқ кўйлакка чирт теккизмай, ҳаёт кемасида давом этмоқда. Кунлар мазмунини нимадан иборат?

⇒ 2-бет

“БИР КУНЛИК ТҮЙ...”

деб яқинларимизни ночор аҳволга солиб қўймайлик!

— Халқимизда ёмоннинг бир қилиги ортик, деган зўр нақл бор. Кейинги пайтларда кўп кузатилаётган маросимлардан бири “Love story”ни ана шундай ортикча қилиқлардан деб биламан. Нима эмиш, бўлғуси куёв ва келин тўйдан олдин юртимизнинг тоғли ҳудудлари, ҳатто чет элларга бориб, 3-4 минг долларни исроф қилиб, севги ҳикоясини яратар экан.

⇒ 3-бет

ЁШЛАР — БУГУН ТАЯНЧИМИЗ, ЭРТАГА СУЯНЧИМИЗДИР

Президентимиз томонидан БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясини ишлаб чиқиш, шунингдек, БМТ Бош Ассамблеясининг “Маърифат ва диний бағрикенглик” деб номланган махсус резолюциясини қабул қилиш таклиф этилди.

⇒ 5-бет

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 29 сентябрь куни Москва ва Бутун Рус Патриархи Кириллни қабул қилди.

1 октябрь — Ҳаёт ва мураббийлар кунини муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев соҳа ходимларига байрам табригини йўллади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2 октябрь куни аҳолига сифатли коммунал хизмат кўрсатиш, кўп қаватли уй-жойлар, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектиларини куз-қиш мавсумига тайёрлаш ишларининг ҳолати таҳлиliga бағишланган йиғилиш ўтказди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Қирғизистон Республикаси Президенти Алмазбек Атамбоев 2017 йил 5-6 октябрь кунлари давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Кураш” миллий спорт турини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорни имзолади.



ЁШЛАР ЕТАКЧИСИ САЙЛАНДИ

ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ АМАЛДА

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Нукус филиалида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилоти етакчиси сайланди.

Талабаларга етакчилик лавозимига кўрсатилган номзодларнинг дастури таништирилди. Бу уларга

ўзлари муносиб, деб билган етакчини танлаш имконини берди.

Сайловчиларнинг 70 фоиз

овозига эга бўлган Жеткербой Бердимуратов ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилотининг раҳбари этиб сайланди.

— Қарийб 10 йилдан буён шу даргоҳда фаолият кўрсатаман, — дейди Ж.Бердимуратов. — Бу ерда 162 нафар талаба мусикали театр актёри, драма театри режиссёри, кино, телевидение ва радио

овоз режиссёри, маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ва бошқариш мухтассислиги бўйича тахсил олмоқда. Уларнинг қизиқиши, интилиши ва муаммолари ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилотидан атрофлича ўрганилиб, ҳал этиш чора-тадбирлари белгиланади. Бу иш мента кат-

та масъулият юклашини яхши англайман.

Бердақ номидаги қорақалпоқ давлат университети, Ажнийёз номидаги Нукус давлат педагогика институтида ҳам Ўзбекистон ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилотига етакчи сайланди.

А.ОРТИҚБОЕВ,
ЎЗА мухбири

ПАРЛАМЕНТ ЖУРНАЛИСТИКАСИ: замонавий усуллар ва ёндашувлар

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси, Журналистларни қайта тайёрлаш маркази, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХХТ) Ўзбекистондаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси ҳамкорлигида шу мавзуга бағишланган семинар-тренинг бўлиб ўтди.

2017—2018 йилларда Ўзбекистонда парламент, таҳлилий журналистика салоҳиятини такомиллаштириш масалалари лойиҳаси доирасида ўтказилган тадбирда маҳаллий ва хорижий медиа ташкилотларининг етакчи экспертлари парламент ҳаётини ёритишга ихтисослашган журналистлар, журналистика йўналишида тахсил олаётган талабалар билан машғуллар ўтказди.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида парламентнинг демократик ислохотларни чуқурлаштириш, давлат бошда маҳаллий ва хорижий журналистиканинг илғор тажрибасидан унумли фойдаланиш самарали ҳисобланади.

Семинар-тренингда иштирокчилар парламент журналистлари фаолияти самардорлигини ошириш йўллари, депутатлар фаолияти ҳақида материаллар тайёрлаш, парламент журналистикасининг сифати, ОАВнинг жамят таълимидаги роли каби мавзуларда маърузалар тинглади, интерфаол усулда ўтказилган назарий ва амалий машғулларда қатнашди.

Улугбек АСРОРОВ,
ЎЗА мухбири

Хурматли муштарийлар,

2018 йил учун “HURRIYAT” газетасига обуна бошланди.

“HURRIYAT”ГА ОБУНА БЎЛИНГ!

Ўқинг, баҳра олинг ва уни дўстларингизга ҳам ҳада этинг. Бундан ташқари, “Hurriyat” да чоп этилган материаллар билан www.hurriyat.uz сайти орқали ҳам танишингиз мумкин.



“HURRIYAT” ГАЗЕТАСИ СИЗНИНГ ДОИМИЙ ҲАМРОҲИНГИЗ БЎЛИШИГА ИШОНАМИЗ!

ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТ ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ “ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ ВА ЗАМОНАМИЗ ҚАҲРАМОНИ”

мавзуида бадий ва ижтимоий-сиёсий асарлар яратиш бўйича ижтимоий буюртмалар лойиҳасини ЭЪЛОН ҚИЛАДИ



Мамлакатимизда Республика Президентини Шавкат Мирзиёевнинг бевосита ташаббуси ва раҳбарлигида қабул қилинган ҳамда изчил амалда оширилаётган Ўзбекистон Республикасининг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тараққиётнинг янги босқичини бошлаб берди. Бу жараённинг амалий натижалари, белги ва хусусиятлари бугунги кунда ҳаётимизнинг барча жабҳаларида, энг муҳими, халқимизнинг онгу тафаккури, интилиш ва ҳаракатларида яққол кўзга ташланмоқда.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги мана шу йўлда жонбозлик кўрсатиб, фидойиларча меҳнат қилаётган замондошларимизнинг бадий

мукамал образлари яратилишига ҳисса қўниш, бугунги улғувор бунёдкорлик ишларини тарих зарурақларига муҳролаш, ёзувчи ва шoirлар, журналистлар, хусусан ёш ижодкорларни маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида “ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ ВА ЗАМОНАМИЗ ҚАҲРАМОНИ” мавзуида бадий ва ижтимоий-сиёсий асарлар яратиш бўйича ижтимоий буюртмалар лойиҳасини эълон қилади.

Ижтимоий буюртмалар бўйича яратилган ижодий ишлар учун қўйилган талаблар кўзда тутилган:

- аҳоли учун арзон уй-жойлар қурилиши билан боғлиқ бўлган масалалар, уй-жойга кўчиб қилинишида одамларнинг қувончи, узоқ йиллик орзу умилларининг рўёбга чиқишини ёрқин бадий бўёқларда ифодалаш;
- янги sanoat корхоналари қуриб битказилганлиги (масалан, Жиззах, Бухоро ва Қашқадарё вилоятлари ҳудудига жойлашган йирик нефтни қайта ишлаш заводлари қурилиши);

- республикаимизда янгидан бунёд этилаётган кенг ва равшон йўллар, кўприклар, ер усти метро тармоқлари, сув иншоотларининг қурилиш жараёнлари;

- аҳолини арзон дори-дармонлар билан таъминлаш борасида қурилаётган чора-тадбирлар;

- тадбиркорларга яратилаётган кенг имкониятлар;

- амалда оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари;

- мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталикнинг қадрига етиш, чегараларимиз дахлсизлигини асраш;

- ёшларимизни она юртва меҳр ва садоқат, ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш;

- узоқ йиллар Ўзбекистонда яшаб, фуқаролиги бўлмаган, бугунги кунда паспорт

2-бет

► КУН МУАММОСИ

Умрининг энг қувончли онларидан бири, шубҳасиз, тўйдир. Сабабики, тўй баҳона узоқ-яқин қариндошлар жамулжам бўлиб, дийдор кўришади, илгари бир-бирини яқиндан билмаган инсонлар қариндошлик ришталари ила боғланади, асосийси, икки ёш қалб янги ҳаёт сари бирга одимлайди.

Азалдан халқимиз ўзининг тўй маросимлари, гўзал удумлари, одат ва анъаналари билан дунё аҳлини ҳайратга солган. Аммо сўнгги йилларда тобора кўпаяётган "янгича одатлар" кўпларнинг силласини қуритиб улгурди. Тўй деса юраги безиллайдиган, харажатларни қоплаш учун оқибатда судхўр эшигини тақиллатиб, шодиёнадан ҳеч вақт ўтмай таваккал юқини елкага ортиб, ўзга юртларда сарсон-саргардон юрганлар қанча! Ёки ойлаб, йиллаб йиққанини бир кунлик "базму жамшид" учун сарфлаб, "тўйим қандай ўтаркин?" деган ўйда тунни тонгга улаётган ҳамюртларимиз-чи? Афсуски, кўпчилигимиз ана шундай бидъатни ортиги билан адо этишга шаймиз, тўйларимиз эл оғзида шов-шув бўлишини истовчиларимиз. "Бир кунлик тўй" деб ота-оналаримизни турли кўйларга солувчи фарзандларимиз.

Бу мавзу ҳақида бугун кўп ва хўп ёзилаётган, айтилаётган, кўрсатилаётган бўлса-да, биз ҳам юқоридаги каби ўйловчиларни шаштидан қайтаришга астойдил бел боғладик. Бу ҳақда талаба-ёшларимиз нима деркин, уларнинг фикрига қулоқ тутамиз:

"Бир кунлик тўй..."

деб яқинларимизни ночор аҳволга солиб қўймайлик!



Сахрогул ОКБЎТАЕВА, Сурхондарё вилоятидан, талаба:

— Ҳар бир оила ўз имкониятидан келиб чиқиб тўй қилиши керак деб ўйлайман. Аммо ҳануз ортиқча харажат, дабдаба, керакмас буюмлар учун пул сарфлаш бугунги кунимизнинг оғриқли муаммосига айланиб турибди. "Бир кунлик тўй, кўнгли ўксимасин, тенг-қурларидан кам бўлмасин" деб, ота-она курби етса, етмаса, уйлантираётган ёки турмушга узатаётган фарзанди оғзидан чиққанини муҳайё қилишга тайёр. Базми тенгдошларимиз эса сарфланаётган пул ота-онаси ёки ака-укасининг минг машаққати ва меҳнати эвазига келатганини ўйлаб ҳам ўтирмайди.

Маҳалламизда рўй берган воқеа кўпчиликни ўйга толдирди. Яқиндагина қизининг тўйини орзу-ҳавас билан ўтказган хонадонда тўйдан ҳеч қанча вақт ўтмай аза бошланди. Қизнинг ота-онаси ишсиз бўлса-да, қудасиникига қиммат мебеллару сарпосуруқлар жўнатганидан маҳалладошлар ҳай-

рон қолганди ўшанда. Кейин билсак, қарз-ҳавола билан тўй қилингану, уни узиш учун ота Россияга ишлагача кетиб, ўша ёқда фожиаги ҳалок бўлган экан...

Сурхондарёда баъзи аёллар ўйлаб топган "урф-одатлар" борки, эшитиб, ёқа ушлайсиз. Масалан, тўйдан кейин келин томон "кўёе қақирди" ўтказмагунча келин ота уйига юборилмайди. Агар қиз томоннинг бу маросимни ўтказишга шароити етмаса-чи? Ёш келин-чак уйдагиларини кўролмайдиган соғиниб юраверадими?! Айтишим керакки, айни шу маросимни кам-кўстмас ўтказишнинг ихтиёр этган келин уйдагилари анчагина иқтисодий жиҳатдан қийналиб юришади.

Азизбек РАМАЗОНОВ, талаба, Бухоро вилоятидан:

— Халқимизда ёмоннинг бир қилиғи ортиқ, деган зўр нақб бор. Кейинги пайтларда кўп кузатилаётган маросимлардан бири "Love story"ни ана шундай ортиқча қилиқлардан деб биламан. Нима эмиш, бўлғуси кўёе ва келин тўйдан олдин юртимизнинг тоғли худудлари, ҳатто чет элларга бориб, 3-4 минг долларни исроф қилиб, севи ҳижоисини яратар экан.

Ёки эсдалик учун биргина фотоальбомга миллион пуллари сарфлашмоқда. Яқинда эшитганим баридан ошиб туиди: бир юртдошимиз бўлажак хотини — келин уйига 10 та бир хил юк машинасида борибди. Келин ва кўёени ўша машиналарда шаҳар айланганини бир тасаввур қилинг-а?! Буларнинг бари бошқаларнинг "тилига тушиш", кибр,

ўзини кўрсатишдан бўлак иш эмас, назаримда.

Кимдир ҳайратлантириш ёмон иш эмас, аслида. Агар у яхши иш бўлса, албатта. Афсуски, билимсиз, дунёқароши тор, савияси паст, бир сўз билан айтганда, одамларни қойил қолдирувдек ҳеч вақоси йўқ кимсалар ўзи шундай бўлади: мол-дунёси (бўлса агар), тўй-пўйи, ҳеч бўлмаса, антиқа қилиқлари билан ҳаммани ҳайратлантириш келади. Бундайларга ачинасан, киши. Уларга на маҳалла оқсоқоларининг, на кўпни кўрган кайвониларнинг гапи ўтади. Уларга маслаҳат қилишди нимаю, қулоғига танбур чертишди нима? Ўз билганидан қолмайди.

Хумойра ИСМОИЛОВА, талаба, Андижон вилоятидан:

— Яқинда бир танишим тўйида хориж келин либосини кийишни истади. Кўёе томон ҳам ўзига тўқ оила эканми, бўлғуси келинчакнинг раёини қайтармади. Ўзим битта ичмамроқ тўй ўтказишга сарфласа бўладиган миқдорда пул кетди. Тўғри, кўйлакнинг тошлари қимматбахо, беақлари нафис эдию, лекин у ўртоғим эзига мос тушмади. Елкаси очилгидан келинчакнинг ўзи ҳам ўнгасизланди. "Чакки қитти-да", дегувчилар ҳам бўлди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, яна бир ўртоғимиз турмушга чиқди. Кўйлак четники бўлмаса-да, уни кийган дўғонам ҳақиқий ўзбек қизи тимсолини гавдалантирди. Кўзларни қувнатиб, барчанинг дуосини олди, ибод-ҳаёси билан хотираларга муҳрланди.

Бугун турмуш қуришга чоғланган аскар қизлар қиммат келин либоси кийишу, сўнги урфдаги соч турмази ва пардоз танлаш ўйида юрадилар. Айтаган кўйлағини олиб беролмаган кўёе томон билан жанжаллашиб, тўйдан олдин ажрашиб кетаётганлар ҳам учраб туради. Ёки кўёе томон "тиши ўтма-

са", кўз ёшини дарё қилиб, фақирликда кун кечираётган ота-онасига олдиртиради.

Ўялоў МАҚСУДОВА, талаба, Тошкент шаҳридан:

— Яқинда бир тўйга бориб, ўзимни Европага бориб қолгандек ҳис қилдим. Боиси миллионимиздан асар ҳам йўқ. Фарб киножодкорлари ишлаган "Келиннинг дўғонаси" фильмидаги каби барча келин дўғоналар бир хил либосда эди. Аслида ўша Фарб мамлакатларида ҳам бунчалик аҳмоқона "удум"ларни учратиш қийин. Бари бой оила фарзандларидир-да дерсиз. Йўқ, айримларининг оилавий шароитини биламан. Ота-онаси оилқандан оилқача амаллаб кун кечираётган оила фарзандлари. Лекин дўғонасининг тўйига бориш учун шу бир хил кўринишдаги қиммат либосини олдиртирибди. Бу қургур қимматбахо кўйлакни кундалик турмушда кийиб бўлмас, келаси тўйгача (у тўйда ҳам янгисини алдирмас) кийим жавонининг бир четида осилки тураверса, бундан кимга не наф экан, ҳайронман. Ёшимда шивирлаётган келин дўғоналарнинг суҳбатига қулоқ тутдим: "менинг келинлик либосим бундан ҳам чиройли ва қиммат бўлади. Тўйимга эса энг машҳур қишқичлар келади..." Оббо, дедим ичимда. Тўй шундоқ ҳам концертнинг ўзгисини, бу қиз тўйини тала-концертга айлантirmoқчи, шекилли. Тўйга кетган харажатларга анча етим-есирларнинг қорнини тўқлаб, бошдан-оёқ кийинтириш мумкин. Нега тўйларимиз баҳона шундай муруватли ишларга қўл урмаймиз ҳайронман. Тунов кунни интернетда ўқидим: тўйи бўлаётган қирғизистонлик бир йигит, тўйини ичмам ўтказибдию, лекин 60 нафар ерданга муҳтож оила фарзандларига керакли ўқу-қуроллари ва папкалар совға қилибди. Туркилик келин-кўёе эса тўй маросимлари давомиде тўрт минг нафар қочоқ қорнини тўйгазишибди.

Бу каби мисоллар ҳар ерда топилади, бироқ жуда оз. Агар тўй бошлаган ҳар бир оила дабдабадан кўра, тўй баҳона муҳтожларга ердан бериш ёки бошқа хайри ишларга қўл уриш пайида бўлса, аминманки, ҳам совоба қолишади, ҳам янги ҳаётлари-га барака ишиб, бахт-саодатга эришишади. Биз юқориде эндигина катта ҳаёт остонасига қadam қўйётган ёшларимизнинг фикр-мулоҳазалари билан танишимиз. Сизнинг бу мавзу ҳақидаги ўйингиз қандай?

Гўзал МАЛИКОВА
ёзиб олди.

Мўғтабар маскан

Тошкентда «Bilim» ахборот-кутубхона маркази очилганига 80 йил бўлди

► САНА

Кутубхоналар қадимдан улуг зийе маскани бўлиб келган. «Bilim» ахборот-кутубхона маркази пойтахтимизнинг Чилонзор туманида жойлашган бўлиб, 80 йилдирки, китобсевар инсонларга хизмат кўрсатиб келмоқда. Ўтган давр мобайнида «Bilim» ўзининг асосий мақсади ва вазифасини адо этган ҳолда, турли синовларни ҳам бошдан кечирди. «Bilim» кутубхонаси 1937 йилда Тошкентда ташкил этилди. Бу пайтда кутубхона фондида атиги 10 000 га яқин китоб мавжуд эди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида ҳам қийинчиликларга қарамай кутубхона фаолият кўрсатиб келган ва фондини имкон қадар бутлашни давом эттирган. Ҳозир «Bilim» ахборот-кутубхона маркази музейида 1941 — 1945 йилларга оид наشرлар ҳам сақланмоқда. Бу наشرлар музейга ташриф буюрувчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

80 йиллик давр мобайнида «Bilim» замоннинг бир қанча сиёсий ўзгаришлари ва иқтисодий инқирозлар даврини бошдан кечирди, лекин доимо ўзининг асл ва муқаддас, яъни аҳолига самарали кутубхона хизмат кўрсатиш, уларга қизиқиши ва истаклари асосида китоб билан таъминлаш вазифасини масъулият билан адо этиб келди. Бу даврда «Bilim»га қўллаб қўлловчи ва фидойи инсонлар рақбарлик қилди. Бу ўринда Антонина Гармаш, Вера Скляр, Агратина Тян, Феруза Юнусовалар салмоқли меҳнатлари билан кутубхона ривожига ўз ҳиссаларини қўшганлар.

Шунингдек, 2007 — 2015 йилларда кутубхонага рақбарлик қилган Светлана Рибкина ҳақида сўз юритиш ўринли. У киши институтни тугатиб, «Bilim»га келди ва ҳозир ҳам шу даргоҳда хизмат қилмоқда. Ҳозирги пайтда илмий-услубийат бўлимини бошқаради.


Айни кунда ушбу маънавият масканининг муборак 80 йиллигига тайёргарлик кўриломоқда. Шу кунларда кенг китобхонлар ва талабалар учун «Маънавият кунлари», «Кутубхона — тезкор ахборот марказидир», «Кутубхона фаолияти тарих саҳифаларида», «Фахрийларимиз — фахримиз», «Фидойи касб эгалари» каби мавзуларда стенд, давра суҳбати, китобхонлар конференцияси, марказ бўйлаб саёҳатлар режа асосида амалга оширилмоқда. Октябр ойида «80 ёшли маънавият маскани» мавзусида бадиий мусиқали кеча ўтказиш кўзда тутилган.

Шоҳида ОЧИЛОВА,
Тошкент шаҳар «Bilim» ахборот-кутубхона маркази бош мутахассиси

Атроф-муҳит ва табиат муҳофазаси

► ЭКОМАДАНИЯТ

Ўзбекистоннинг географик ўрни ва табиатининг ўзига хос хусусиятларга эга эканлиги атроф-муҳит ва табиат бойликларини муҳофаза қилиш ҳамда уларни авайлаб, эҳтиёткорона муносабатда бўлишни тақозо этади.



Халқимизнинг атроф-муҳит ва табиат бойликларини муҳофаза қилишда соф тарихий удумларимиздан бири «таганак»дир. Бу удумга кўра, тоғ ва тоғ этакларида яшовчи халқ эрта баҳорда йиғилиб, тоғ-тошдаги буоқлар кўзини очиб, жилгалар йўлини шох-шаббалардан, лойқалардан тозалайдилар.

Халқимизни она табиатга нисбатан меҳрини уйғотиш, табиатни муҳофаза қилиш руҳида тарбиялашда миллий бадиий адабиётнинг ҳам аҳамияти бениҳоят катта. Бу халқ оғзаки ижоди, яъни халқ достонлари, эртақ, мақол ва масалларда ҳам табиатни муҳофаза қилиш тарихи этиб келинган. Уларнинг гоёвий мазмунини аксарият турли хил ёввойи ва уй ҳайвонлари, айниқса фойдали кушларнинг табиатдаги роли, инсонга дўст эканлиги, уларни муҳофаза қилишга даъват

қилувчи туйгулар ташкил этади.

Оилада ҳам атроф-муҳит ва табиат бойликларини муҳофаза қилишга доир даъватлар акс этади. Табиат бойликларидан оқилана фойдаланиш, уларни исроф этмаслик каби туйгуларга оилада катта эътибор бериб келинади. Булар халқимизнинг тарихан шакланган миллий тарбия асосларидир. Бунга мазмунни жуда кенг «увол» тушунчаси яққол мисолдир. Ҳар қандай моддий незматни исроф қилиш, табиат бойликлари — фойдали қазилмалар, сув, ёр, ўсимлик ва ҳайвонларни нобуд қилиш увол ҳисобланади. Кексаларимизнинг «нони ерга ташлама, увол бўлади», «сувини тежаб ишлатинглар, увол қилманглар» деган насиҳатлари бу тушунчанинг нақадар тараққийга мисолдир.

Тарихда обикор деҳқончилик шароитида сугорув сувларидан

оқилана ва адолатли фойдаланишда тўғнобши ва мироблик лавозимларининг аҳамияти катта бўлган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида «Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар» (50-модда), «Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳйвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилана фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир» (55-модда) деб мустақамланиб қўйилган. Шунингдек, мамлакатимизда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси фаолият юритади. Қўмита атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни қайта тиклаш устидан назорат қилиш, табиатни муҳофаза қилиш фаолиятини тармоқлараро комплекс бошқариш, табиатни муҳофаза қилиш ва ресурсларни тежаб борасида ягона сисбатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, атроф-муҳитнинг экологик ҳолати қўлай бўлишини таъминлаш, экологик вазиятни бошқариш вазифалари билан шуғулланади. Халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади. БМТнинг атроф-муҳит бўйича дастурда иштирок этади.

Табиатнинг гўзал, ранг-баранг, ҳаво ва суви мусоффо, табиати шифобахш ҳудудларини ҳам махсус муҳофаза қилинади. Чунки бундай ҳудудларни асл ҳолида сақлаб қолиб, муҳофаза қилиш улардаги табиий жараёнлар ва экологик мувозанатнинг вақт давомидаги қонуний ўзгаришларини талқин қилиш жиҳатидан ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Бахтиёр ЗУФАРОВ,
Ўзбекистон Давлат Табиат музейи Табиатшунослик бўлими бошлиғи

► ОГОҲЛИК

Орамизда шундай кишилар борки, гиёҳвандликнинг оқибатини билатуриб саломатлиги, оиласи, фарзандларининг келажакига панжа орасидан қараб, унга ружу қўяди.

ГИЁҲВАНДЛИК УМР КУШАНДАСИ

Саидабзал Саиднасимовнинг ҳавас қиларли касби, маҳаллада обрў-эътибори бор эди. Лекин сўнгги пайтларда кечалари бемаҳал юриб, ёмон кимсаларга қўшилди. Дастлаб сигарет чекишга ўтди. Бу олати уни аста-секин гиёҳвандликка бошлади. Унинг саъй-ҳаракатлари маҳалла профилактика инспекторининг назоратидан четда қолмади.

Мамлакатимизда наркотик моддаларни суистеъмол қилиш ва уларнинг ноқонуний айланишига қарши курашиш бўйича муҳим чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан трансмиллий наркогурӯҳларнинг қонунга зид фаолиятларини аниқлаш ва унга чек қўйиш, контрабанда каналларини ёпиш, гиёҳвандлик экинларини йўқ қилиш ва гиёҳвандлик иллати тарқалишининг олдини олиш бўйича махсус тадбир ва операциялар ўтказилмоқда.

Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармасидан берилган маълумотга кўра, жорий йилнинг 22 сентябрь кунини Миробод тумани ҳудудиде ўтказилган профилактика тад-

бири давонида С.Саиднасимов кузатувга олинди. Унинг ҳаракатлари шубҳа уйғотгач, ҳолислар иштирокида текшириб кўрилди. Текширув жараёнида С.Саиднасимовнинг ёнида оғирлиги бир килограммдан ортиқроқ гиёҳвандлик воситаси борлиги аниқланди ва далилий ашё сифатида олинди.

Мазкур ҳолат юзасидан Миробод тумани ички ишлар бошқармаси ҳузуридеги тергов бўлими томонидан Жиноят кодексининг тегишли моддаси билан жиноят иши қўзғатилди. Ҳозир дастлабки тергов ҳаракатлари давом эттирилиб, С.Саиднасимовнинг бошқа жиноятларга алоқдорлиги текширилмоқда.

Пойтахтимизда гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга қарши курашиш борасида олиб бориладиган тезкор тадбирлар натижасида жорий йилнинг шу пайтига қадар 85 килограммдан ортиқ гиёҳвандлик воситалари қўлга олинган.

Даврон СУННАТОВ,
ЎЗА мухбири

ЎЗБЕК ДРАМАСИ ХАЛҚАРО ФЕСТИВАЛДА

Мазкур драмада тинч ва осуда ҳаётимизга раҳна солишга уринаётган диний экстремизм ва терроризм гардобига тушиб қолаётган айрим ёшларнинг аянчли қисмати, уларнинг бу йўлга кириб қолишига сабабчи бўлган омиллар чуқур таҳлил қилинган, халқаро терроризмнинг аянчли оқибатлари фош этилган.

Спектаклда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Турғун Бекназаров, Маъсуда Отажонова, Турсунбой Пиржонова, Нор-

пошшо Ҳасанова, Гулноз Саидова, Зулфия Умирова, Расулхон Қодирхонов, Умид Шодмонов, Илҳом Отамирзоеллар сингари актёрлар ўз ролларини маҳорат билан ижро этишди.

Қувонарликки, мазкур халқаро фестивалда «Дилдаги доғ» драмаси голландия қўлга киритди ҳамда турли хил номинациялар совриндори бўлди. Дилфуза ЭРҒАШЕВА

Оловли саҳифалар

ТҲҚИМА ЭМАС, ФАКТ!

МАТБҲОТ ТАРИХИДАН

Вақт ҳакам дейдилар. Собик тузум даврида қасддан амалга оширилган мудҳиш қатағонлар, жумладан, коллективлаштириш, ер-сув ислоҳоти, ўртаҳол деҳқоннинг мол-мулкни тортиб олиш, ўзини олис ўлкаларга сургун қилиш каби жиноий хатти-ҳаракатларнинг асл моҳияти заҳматкаш олимларимизнинг узоқ йиллик машаққатли изла-нишлари, илмий экспедициялар, архив материаллари ҳамда қонли қатағондан бе-восита жабр кўрган кишиларнинг жонли хотираларини ўрганиш натижасида ойдин-лашиб бормоқда. Кўплаб ватандошлари-мизнинг табаррук номлари тикланди, жанг майдонларида, меҳнат фронтида кўрсатган жасоратлари ҳақида аниқ маълумотларга эга бўлдик. Бу борада кейинги йигирма йилдан ортқ вақт ичида самарали изла-ниш олиб бораётган фидойи олимларимиз-дан бири, тарих фанлари доктори, профес-сор Рустамбек Шамсутдиновдир.



тан шарафи учун”, “Суворов натиски”, “Ғалаба сари олға”, “Бонг” каби газеталарнинг архивларда сақланиб қолган нусхаларини бирма-бир ўрганиб, уларда эълон қилинган мате-риалларни тўлалигича келтири-ди. Турли фронтлардан олин-ган хабарлар, жанг тафсилот-лари, ўзбекистонлик жангчи-ларнинг мардлиги ва жасора-ти, фронга жалб этилган Мир-закалон Исмоилий, Илёс Му-слим, Назармат, Адҳам Раҳмат, Назир Сафаров, Шухрат, Иб-роҳим Раҳим, Зиннат Фатхул-лин, Адҳам Ҳамдам, Мели Жўра, Ёнғин Мирзо, Абдуна-би ва Абдураҳмон Алимухаме-дов, Незмат Тошпўлат, Маҳ-муд Муродов каби ёзувчи ва журналистларнинг лавҳа ва очерклари, Ғафур Ғулом, Ой-бек, Мақсуд Шайхзода, Ҳамид Олимжон каби таниқли адиб-ларнинг жангчиларга йўллаган шеърӣ мактубларини, шунингдек, Омон Ғофуров, Наз-рмат Қувватов, Қосим Ашур-матов, С.Улуғзода, У.Сулаймо-нов, Савитхон Рўзиев, М.Бах-шиев, Ш.Муларрис, Э.Бадалов, П.Деҳқонов каби неча юзлаб оддий аскарларнинг хабар ва мақолаларини ҳаяжонсиз, эн-тиқисиз ўқиш мумкин эмас.

Фронт газеталари мате-риалларида жанговар публици-стик руҳ этакчилик қилади. “Душ-ман шаҳар ва қишлоқларимиз-ни вайрон этмоқда, уйларни ёндирмоқда, ҳеч кимга раҳм қилмаётган йўқ. Шундай экан, босқинчиларга ўлим дея жанг-чи кириб, нафратангиз ўн чандон, юз чандон ошсин, га-зандаларни битта қўймай қириб ташланг. Уйда сизни интизор-лик билан кутаётган ота-онан-гиз, сеvimли ёрингиз, азиз фар-зандларингиз ҳақиқ мардлиги ва жасорат намуналарини кўрсат-ки” каби таъсирчан даъват-лар аскарларни чиндан ҳам жангга, жасоратга отлантир-ган, уларга руҳ, куч ва мадал бағишлаган.

Фронт газеталарида таниқ-ли шоирлар ҳамда оддий ас-карларнинг кўплаб шеърлари

эълон қилинган. “Ватан шара-фи учун” газетасининг 1945 йил, 18 апрель сонидан чоп этилган шоира Зулфиянинг “Қўлимда қуролу устимда ши-нель” деб номланган шеър-ини маъшуканинг Ватан учун жанг қилаётган суюқлигига тил изҳори дейиш мумкин:

Фронт газеталарида ҳарорат-ли шеърлар, ҳикоялар, аскар-лар томонидан ёзилган мухта-сар лавҳалар гоят кўп чоп этилган. Янада муҳим, газе-таларнинг ҳар бир сонидан ўзбекистонда бўлаётган ўзга-ришлар, янги қурилишлар ҳақида кичик-кичик ахборот-лар, жангчиларга ёзилган мак-тублар, аскарларнинг жавобла-ри эълон қилинган. Бундай ма-териаллар қўлида қурол билан тенгсиз жангга шайланаётган йигитларимизга далла бўлган. Улардан айримларининг сар-лавлаларини келтириб ўтаемиз: “Она мактуби”, “Фронтчилар оилаларига ҳаммуҳри”, “Ўзбе-кистонда янги электр стан-ция”, “Пландан ташқари 1300 тонна пахта”, “15 миллион сўмлик қўшимча маҳсулот”, “Қизил армияга қорабайир от-

лар”, “Янги кашфиётлар”, “Алишер Навоий пьесаси Ҳамза театрида”, “Фронт учун консервалар”, “Ўрта Осиёда биринчи газопровод ишга со-линди”...

Ҳар бир ахборот ихчам ва муҳимлиги билан эътиборни тортади. Фронтлардаги вазият хусусида ёзилган ахборотлар-нинг сарлавлари янада таъ-сирчан: “Пулемётчи Ҳолмир-заевнинг газаб кучи”, “Душман ўлим зарбасига учради”, “Жо-суслар ушланди”, “Тил тут-дик”, “Ўлжа қуролдан отиб”, “Яраланган йирткичи ўз уси-да янчамаган”, “Арслон изидан, йитги сўзидан қайтмас”.

Фронт газеталарининг му-ҳаррирлари шиддатли жанглар бораётгани, фашистлар ўзла-рини қоралаб мақола ёзаётган жасур муҳбирларнинг устига снарядлар ёғдираётганига қарамай, газеталарнинг ҳар бир сонини ўз вақтида янада таъсирчан, шиддатли қилиб чиқаришга ҳаракат қилишган.

Бу ноёб манбани илмий жиҳатдан ўрганиш мамла-катимизнинг Ик-кинчи жаҳон уру-ши давридаги та-риҳини, халқим-изнинг уруш ил-ларидаги ҳаётини, ғалабага қўшган ҳисса-сини аниқ тасав-вур этишга замин яратиши, миллий журналистикамиз босиб ўтган шо-ли йўлни янги маълумотлар билан бойитиши, уруш ҳақидаги янги ҳақиқатлар-ни ошкор қили-ши, номлари уну-тилаётган, хотира китобларига кир-май қолган янги

ДАВЛАТ РАҲБАРИ ДИКТОРЛИК ҚИЛДИ

Жанубий Корея Президенти Мун Чжэ Ин мамлакат аҳлини лол қолдирди. У ҳайдовчиларга мўлжалланган радио тўлқинла-рида оддий диктор сифатида иштирок этди ва мамлакат йўл-ларидаги вазият ҳақида маълумот берди.

«ТBS-Радио» сайтининг хабар қилишича, мамлакат раҳбари душанба куни эрталаб радио орқали чиқиш қилган. Эслаб ўтаемиз, шу кунларда Жанубий Кореяда кузги Чхусок байрами нишонланмоқда. Одамлар вафот этган қарин-дошларининг қабрларини зиёрат қилишга отланмоқда. Бу ўз навбатида йўлларда тирбандликларни келтириб чиқарган. Кузатувчиларнинг фикрича, Мун Чжэ Ин ҳайдовчиларга мўлжалланган радио орқали чиқиш қилар экан, халққа ақин-лигини кўрсатишни ният қилган.

ВАЗИРЛИК ТАКЛИФИ

Қозоғистон Ахборот ва коммуникациялар вазирлиги ОАВ масалаларига бағишланган қонун лойиҳасига “ташвиқот” тушунчасини киритиш таклифи билан чиқди.

Ҳозирча бу тушунча Қозоғистон қонунчилик актиларининг бирортасида ҳам белгилаб қўйилмаган. Бу ҳақида Ахборот ва коммуникациялар вазири Даурен Абаев “Facebook” орқали маълум қилди.

“Ташвиқот” деганда вазир Абаев “салбий маъноларга эга ғояларни қўллашни”, масалан, суицид (ўз жонига қасд қилиш), терроризм, радикал диний қарашлар, миллий ва ирқий тоқтасизлик тарғиботини тушунишни билдирган.

Вазир “ОАВ тўғрисида”ги қонунга қўшимча қилиб “ОАВ томонидан тарқатилмаган шахсий, оилавий, шифокор, банк, тижорат ва бошқа қонун бўйича махфий бўлган материаллар учун рухсат олиш мажбуриятини” киритиш зарурлигини таклиф қилмоқда.

— Биз журналистларнинг у ёки бу амалдорнинг кўчмас мулки ва қимматбаҳо автомобиллари тўғрисидаги маълумот-ларни ёритишларини тақиқлаб қўймоқчи эмасмиз. Булар юқорида қайд қилинган махфий маълумотлар сирасига кир-майди. Амалдорлар ва уларнинг нотўғри хатти-ҳаракатлари ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Айримларнинг фикрича, оилавий сир сифатида бир қатор амалдорлар ўз даромадларини яширишлари мумкин экан. Мен айтмаман: “Йўқ, яшира олма-дилар”, — дейди Даурен Абаев.

У нима учун давлат идораларининг журналистларга жавоб бериш муддати 15 кунгача узайтирилгани юзасидан ҳам изох берди: «Сўнги йилларда ОАВдан келаётган мурожаатлар сони ўн баробар кўпайди, бу ўз навбатида мурожаатлар диққат билан ўрганилишини тақозо қилади, аввал белгиланган муддат давлат идораларининг расмийчилик учунгина жавоб қайта-ришларига мажбур қилади”.


ТОМОШАБИН НУҚТАИ НАЗАРНИНГ ЎЗГАРТИРГАН ТЕЛЕДАСТУР

Бундан ўттиз йил муқаддам, яъни 1987 йил 2 октябрь куни Россия Марказий телевидениyasi Биринчи каналда “Взгляд” дастурининг энг омалли сони эфирга узатилди.

Айнан шу эфир телетомошабинларнинг тележурналистика ҳақидаги нуқтаи назарларини ўзгартиришларига туртки берди. Дастурнинг ўша сонида бошқаларидан фарқли ўлароқ, Ғарб мусиқий клиплари ҳақида аудитория билан тўғридан-тўғри суҳбат амалга оширилди ва қизгин муҳокамаларга сабаб бўлди.

Аҳмаджон МЕЛИБОВ

Ш.ТўЛҒАНОВ тайёрлади.



Ўзбекистонда со-ветларнинг қата-гон сиёсати ва унинг мудҳиш оқибатлари, собик тузумнинг коллективлашти-риш, қулқоқлаш-тириш, ер-сув ис-лоҳоти каби қатлиомлари, ўз уйда тинч умргузаронлик қилаётган деҳқонларни сохта айбловлар билан ҳибсга олиб, ўзга юртларга сургун, мол-мулкни мусодара қилиш, бола-ларини оч-наҳор қолдириш си-ёсати, бу азобларга дучор этил-ган ватандошларимизнинг фо-жеали қисматини ўрганиш, бу борадаги ҳужжат ва маълумот-ларни қидириб топишга, факт ва рақамларни аниқлаштириш-га бел боғлаган олим Россия Федерацияси, Белорус, Укра-ина, Кавказ, Қозоғистон ва бо-шқа жойлардаги архив ва му-зейлар, қатагон қурбонлари хотирасини тиклаш билан шу-ғулланувчи жамоатчилик таш-килотлари, кўнгилли қидирув-чилар, бошқа тегишли ташки-лотлар билан амалий ҳамкор-лик қилиб, у жойларга бир неча марта илмий-қидирув эк-спедициялари уюштирди. На-тижада беш жиллик “Қатагон қурбонлари”, “Қишлоқ фоже-аси: жамоалаштириш, қулқо-қлаштириш, сургун” (ўзбек ва рус тилларида), “Шимолий Кавказ сургундаги юртдошлар қисмати”, “Шимолий Қозоғи-стон сургундаги ватандошлар қисмати”, “Истиқлол йўлида шаҳид кетганлар”, “Тарих-нинг ҳасратли саҳифалари”, “Андижон тарихидан лавҳа-лар” каби кўплаб китоблар юзага келди.

Заҳматкаш олим изланишда давом этар экан, миллий мат-

буотимиз тарихи билан боғлиқ, ҳозиргача тўла ўрганилмаган муҳим бир йўналишга қўл урди. Бу — иккинчи жаҳон уруши йилларида ўзбек тилида чоп этилган фронт газеталари эди. Таниқли олимлар Т.Эрназаров, А.Ақбаровнинг “Ўзбекистон матбуоти тарихи” китобида, “Ўзбекистоннинг янги тарихи. Ўзбекистон совет мустамлака-чилиги даврида” тўпламида, шунингдек, Адҳам Раҳмат ва Мели Жўра қаламига мансуб “Мардлиқ қиссалари” китоби-да, Холбек Ёлғоров, Лутфулла Ҳамроев, С.Шодмонованинг мақолаларида бу мавзу бир қадар ёритилган. Аммо турли фронтларда дахшатли уруш шароитида ўзбек тилида чоп этилган, жангчиларни босқин-чиларга қарши аёвсиз курашга руҳлантирган жанговар газе-талар ҳамда уларда қалам теб-ратган жасоратли муҳаррир-лар, жангчи-муҳбирларнинг фаолияти, эълон қилинган ма-қолаларнинг жанр хусусиятла-ри тўла ўрганилмаган. Рустам-бек Шамсутдинов йиллар да-вомида тўплаб уч жилди кит-об ҳолида чоп эттирган “Ик-кинчи жаҳон уруши ва фронт газеталари” номли муҳим ил-мий талқиқот билан танишар экансиз, урушнинг дахшатли қатлиомлари билан бирга, мат-буот сўзининг инсон руҳияти-га даъваткор таъсири, шоир ва ёзувчиларнинг босқинчиларга чексиз нафрати, она-юрт со-ғинчи намоён бўлади. Ғалаба қандай қўлга киритилгани, ўзбек жангчилари, бутун мам-лакат, оталар, оналар, суюкли ёрлар бунга қандай ҳисса қўшганини ҳис этасиз. Талқи-қотчи “Душманга қарши олға”, “Суворовчи”, “Ватан учун”, “Фронт ҳақиқати”, “Ва-


ТАФАККУР ЖИЛОЛАРИ

ДОИМИЙ ҲАМРОХ

Бугунги ижтимоий-маънавий, адабий жараён-лардаги ўткир фалсафий фикрлар, давримиз-нинг мазмуни бутун зиддиятлари билан акс эт-ган мақолалар, инсон қалби кенгликларини но-зик ифодалаган шеърлар, жаҳон адабиётидан таржима қилинган энг сара асарларни “Тафак-кур”дан ўқишга ўрганиб қолганмиз.

Евимли журнализмиз-нинг бу гапни сонидан ҳам инсоннинг тафаккурини бойитадиган, фикрларини ўткирлайдиган, ғойи-бона мулоқотга чорлай-диган янги асарлар бис-ёр. Бош саҳифа Президен-тимиз Шавкат Мирзиёев-нинг зиёдилар билан бўлиб ўтган уч-рашувидаги маърузасидан олинган сўзлар билан бошланади: “*Нима учун маданий ҳаётимизда танқидий руҳ сезилмайди? Соғлом танқид, баҳс ва тортишув бўлмаган жойда чинакам ижод бўлиши мумкинми ўзи?*”. “Нима дейсиз, замондош?” рубрикасида берилган “Такомил машаққатлари” номли суҳбатда ёзувчи Улурбек Ҳам-дам янги инсон тафаккури ҳақида фикр юртади: “...Тараққиёт сари шаҳдам қабамлар билан одимлаб бо-раётимиз. Лексин ҳаёт шароитимиз илгарилариники ҳолда нега бадий-эс-тетик тафаккуримиз ортга қараб кетмоқда? Назаримда, бу ўта жид-дий савол... Ортга кетишининг бир че-каси ўқувчига бориб уланади. Зеро, бадий асарни маънавият маҳсули деб олсак, унинг ўз вазифини том ма-нода бажариши ўқувчининг бадий-эстетик савиясига боғлиқ... Масала-нинг бу томонини унутиб қўямиз,

“*Яхши асар ёзинг*” деб ижодкорга му-рожаат қиламиз. Уни ҳазм қилиб, қадрига етгүвчи ўқувчини тарбиялаш ҳеч кимнинг ҳаёлига келмайди...”. Та-ниқли ёзувчи Хуришад Дўстмухаммад ҳам “Мулоқот замиридаги ҳикмат” мақоласида “оммавий коммуника-ция” дея аталмиш махсус фан тар-моғи даражасига кўтарилган МУЛО-КОТ феноменини чуқур таҳлил қилади. Инсон бир-бири билан му-лоқотга киришган сари тиллар ҳам бойиб, бундан жамият раванқ топи-шини қўйсий маънода ифодалайди: “... Аскар тенгқурларимиз қатори қатта оилада тарбия кўрганмиш, оилавий гурунларда бир чеккада қисиниб-қимтиниб, ёши улурларини оғзия агарайиб ўтирганмиш... Ота-она, она-акаларнинг суҳбатига ара-лашиш у ёқда турсин, ҳатто бемав-рид савол ташлаш... одобсизлик ҳисоб-ланган. Неча-неча авлодларимиз шу руҳда — кўп гапирмаслик, кўпчилик олдида, айниқса, ёши улурлар хузур-ида жим ўтириш — тилини тиийиш, одоби, мўмин бола бўлиш руҳида тар-бия кўрган...”и ва ана шу шарқона маданиятимизни бутун истаган мав-зуда эмин-эркин фикрини айтаетган янги авлоднинг дунёқарши билан таққослайди. Оғзаки, ёзма нутқдаги ўзгаришлар, тинглаш маданиятида-



ги қусурларни шафқатсиз танқид қилади: “... Аскарят ёшлар (ҳатто катта ёшдагилар ҳам), “Кўпчилик олдида гапиролмайман, ҳая-жонланаман”, деган истисолани тан олшайди. Нотанишлар даврасида эса бундай гапиролмаслик, ҳаяжонлиши баттар ортади. Бунинг бир қанча са-баби бор. Билмагани сабабли нияти-ни ифода қилиб беролмаслиги, уқти-ра олиш қобилияти етишмаслиги са-бабли кўпчиликка қарата сўз айт-а олмаслиги мумкин одам...”. ТИЛ топа олмаслик, МУРОСА йўлини билмас-лик ҳам муҳоятан мулоқот мадани-яти ва санъатини этгалмаслик оқибатида келиб чиқишини илмий ва ҳаётий мисоллар орқали исбот-лаб беради.

Журналнинг доимий муаллиф-ларидан бири Муҳиддин Раҳимнинг “Эркинлик қаердан келади? Бойлик-

чи?...” мақоласи бугунги кундаги иқтисодий, ижтимоий, маънавий-ақ-лоқий ҳаётимиздаги эркинликни қан-дай бошқариш ва нимага сарфлаш-ни жаҳон таърибаси мисолида шарҳ-лаб беради: “... АҚШлик таниқли олимлар — Дарон Ажемоглу ва Жеймс Робинсоннинг эркинлиги бойлик, эр-кисизлиги қашшоқлик сабаби — сиёсий ва иқтисодий институтларда, дегү-чи ана шундай бир назарияси бутун дунёда шов-шув уйғотди. Бу назария ҳаммуаллифларнинг “Диктатура ва демократиянинг иқтисодий манбала-ри” ҳамда “Нега баъзи мамлакатлар бой-у, баъзи мамлакатлар қашшоқ?” деган китобларида ўз баённи топ-ган”.

Журналнинг гўзал бадият олами-да бельгиялик адиб Иво Михельс-нинг Дамин Жумакул томонидан ўзбекчага ўтирилган “Соқчи” ҳико-яси берилган. Асарда тасвирланган воқеалар жуда таъсирли. Икки йи-гитнинг ишқи бир қизга тушади: “— Аделина, бизнинг қай биримиз-ни танлайсан? — деди Б. Аскар А. ҳам салчиб туриб, кўрол-дошининг ёнига келди ва: — Ҳа, ҳозирроқ танла! — дейди. — Вой, соддадил йиғитлар-ей, ик-кингиз ҳам жасур аскарсиз-у, ҳали жуда гўлсиз-да, — деди қиз... — Бу ишчи урушдан кейинга қолдирамиз, кимни танлаганимни ўшанда айта-ман. Ҳозир мавриди эмас. Ана ўшанда қайсингизни танлаган бўлсам, у би-лан никоҳ ўқитамиз, — деди...”. Таас-суфки, уруш поёнига етмаёқ, А. ҳам, Б. ҳам ҳалок бўлади. Таҳририят

ҳикоянинг тағсўзида таъкидлангандек, “Тафаккур”да асосан Бальзак, Тол-стой, Сартр, Маркес каби даҳо ижод-корларнинг ҳикоялари эълон қилинган. Михельс истевдод қўлами жиҳатдан бу адиблар билан баҳслаша олмас, эҳтимол. Аммо унинг мазкур ҳикояси маънавий қучмага кўра ўша санъаткор-ларнинг асарлари сафида туришга мўносиб ғипига ўзингиз ҳам амин бўла-сиз.

Навоийшунос Султонмурод Олим-нинг “Навоий қандай мутолаа қил-ган?” мақоласида ҳам ўтган асрнинг биринчи ярмида атоқли олим Ев-гений Бертельс “Навоий кутубхонаси-ни ўрганиш” масаласини ўртага таш-лангани, Навоий ўқиган китоблар рўйхатини тузиб, уларнинг шоир яратган асарлар билан алоқадорли-гини аниқлаштириш ва бу вазибалар ҳали ҳам узил-кесил бажарилмагани, қилишимиз зарур бўлган юмушлар анча қўпчилигини тилга олади. “Фикр ва ҳаёл чорраҳасида” эса ёзувчи Шойим Бўтаев мутолаа қил-ган китобларига ўзи шарҳ берган. Адиб биз учун ҳам жуда қимматли ва аҳамиятли бўлган асарлар ораси-да “Аттухфатуз закияти филолугатит туркия” китобидаги сўзлардан қаттиқ таъсирланганини баён этади: “*Ат-тухфа*” сўз деҳқони бўлган шоире *ёзув-чилар жонига ора кирадиган манба-ди. Унинг ҳар саҳифасида, қадим нақлларида дурф этилгандек, дурр за-харлар, забаржаду ёқутлар сочилиб ётибди. Нигоҳи тушган ҳар кимса топтаб, бекадр этмаслиги учун улар ўзини сирли қобиқ билан ўраб, ҳифзу*

ҳимоялаб олган гўё. Қобиқ ичидан маҳ-ни очмоқ учун эса туркий халқлар тарихи, ишонч-этиқоди, маданияти, турмуш тарзидан бохабар бўлмоқ ло-зим”. “Тарихга холис назар — ибрат-дир” шарҳида Михаил Ивановнинг “Чингизхон ва Амир Темур” асари, “Муқаддас фикр” да Эса Явдот Илё-совнинг “Суеидиёна” асарларидан ол-ган таасуротларини китобхонлар билан бўлишайди.

“Тафаккур”нинг мазмунини бойи-тиб турган Комил Авазининг “Икки мухаммаси”, Шоҳсанамнинг “Грасс кўрғони асирлари” ҳам алоҳида таҳ-лилга лойик. Сўнгсўз ўрнида жур-налдаги “Моҳият жиллолари”да бе-рилган Фридрих Нитшнинг ўткир фикрларидан айрим намуналар кел-тириб ўтишга жазм қилдик: *** Бурчларимиз — бошқаларнинг физка нисбатан ҳақ-ҳуққидир. *** Фикрлар — туйғуларимиз кўланкасиدير. *** Ҳар нарсая қизиқувчилар — бахтиёр инсонлардир. *** Сенинг ўз йўлинг бор, менинг ўз йўлим. Энг яхши, энг тўғри, ягона йўл... ундай йўл мавжуд эмас. *** Баъзан одамлар ширин ёлғонла-ри чилларчин бўлишини истамага-ни учун ҳам ҳақиқатни эшитгиси келмайди. ***

Наргиза БОБОМУРОДОВА

Ёшлар — бугун таянчимиз, эртага суянчимиздир

►ШАРҲ

Ўтган ойнинг энг муҳим сиёсий воқеаси сўзсиз Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи бўлди, дея айта оламиз. Давлатимиз раҳбарининг амалий таклифларга бой нутқи жаҳон сиёсатчилари, экспертлари, жумладан, илм-фан аҳли томонидан юқори баҳоланмоқда. Президентимиз, аввало, БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқиш зарурлиги ҳақида таклиф билдирди. Ёшлар келажагимиз экани, уларнинг тақдирига бефарқ, эътиборсиз қараш ёмон оқибатларга олиб келиши мумкинлигидан дунё жамоатчилигини огоҳлантирди. Маърузада илгари сурилган таклифлар том маънода БМТ фаолиятида янги саҳифани очиб беради.



Хусусан, глобаллашув ва ахборот-коммуникация технологиялари ҳадад ривожланиб бораётган бугунги шароитда ёшларга оид сиёсатни шакллантириш ва амалга оширишга қаратилган халқаро ҳуқуқий ҳужжат — БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясини ишлаб чиқиш, шунингдек, БМТ Бош Ассамблеясининг "Маърифат ва диний бағрикенглик" деб номланган махсус резолюциясини қабул қилиш таклиф этилди. Мазкур таклифлар жаҳон ёшларининг таълим олиш ҳуқуқини таъминлашга, саводсизлик ва жаҳолатга барҳам беришга, бағрикенглик ва ўзаро ҳурматни қарор топтириш, диний эркинликни таъминлаш каби эзу мақсадларни назарда тутди.

Юртимизда ёшлар масаласи мустақиллигимизнинг илк йиллариданоқ устувор масаладан бири ҳисобланади. 1991 йил 20 ноябрда қабул қилинган "Ёшларга оид давлат сиёсати асослари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни фикримизнинг далилидир. Давлатимиз раҳбари томонидан 2016 йил 14 сентябрда имзоланган янги таҳрирдаги "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги қонун ёшларга замонавий таълим олиш, ўй-жой ҳарид қилиш ва қуриш, оила қуриш учун имтиёзли кредитлар олишда катта имкониятлар, тизимли ижтимоий қоғалатларни тақдим этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 22 ёшли Алишер Саъдуллаевнинг Халқ таълими вазирининг ўринбосари ва 25 ёшли Олим Тўйчиевнинг Фан ва технология агентлиги бош директорининг ўринбосари этиб тайинлангани интернет саҳифаларида ва кенг жамоатчилик томонидан қизғин муҳокама қилинмоқда.

Немис социологи Карл Маннгейм (1893—1947) ёшларни олдинги сафларга чиқарилиши керак бўлган ўзига хос захира эканлигини таъкидлаган бўлса, ҳаққини минг йиллар давомида ёшларни "бизнинг келажакимиз" деб қараб келган. Чунки

ривожланиш босқичида бўлган жамят муқаррар ёшларга таянади. Ёшлар ижтимоий ҳаётнинг ҳаётбахш кучидир. Бир қатор мамлакатларда ёшлар ижтимоий-иқтисодий ҳаётга жуда эрта аралаша бошлайди. Дёйримиздан ҳам ёшлик чоғлариданоқ дунё эътирофига сазовор бўлган шахслар кўпайиб етишиб чиққан. Шу ўринда Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг тақдир тақозоси билан 12 ёшида тахта чиққанлигини эслаб ўтиш даркор. Буюк бобомиз Амир Темур 36 ёшида марказлашган давлат тузган. Шароф Рашидов 26 ёшида вилоят газетасининг, 30 ёшида эса республика бош газетасининг бош муҳаррири бўлган, 32 ёшида Ўзбекистон Езувчилар уюмасини бошқарган. У Олий Кенгаш ҳайъати раиси вазифасига сайланганда 33 ёшда эди. 42 ёшида эса Ўзбекистонга раҳбарлик қила бошлаган.

Жаҳон тарихида энг ёш президент 19 ёшида ҳокимиятга келган Гаити президенти Жан Клод Дювалье тан олинади, у 1971 йилнинг 31 январида президентлиги отасидан мерос сифатида қабул қилиб олган. Виктор Орбан 1998 йилда Венгрия бош вазир лавозимини эгаллаганда 35 ёшда эди. Теодор Рузвельт 42 ёшида, Жон Кеннеди эса 43 ёшида АҚШ президенти бўлишган. Дэвид Кэмерон Буюк Британия тарихидаги энг ёш бош вазир ҳисобланади. У 2010 йил май ойида 43 ёшида бош вазир бўлди.

Бугунги кунда Ер деб аталмиш сайёраимизда нафақат сиёсатда, балки иқтисод, илм-фан, шоу-бизнес ва бошқа соҳаларда ёшлар оламшумул янгиликлар қилмоқда. Оливия Халлиси исми қизча 16 ёшида эбола вирусини аниқловчи оддий кашфиёт билан ном қозонди. Унинг кашфиёти билан олис, ҳатто электр бўлмаган қишлоқларда ҳам эбола вирусини аниқлаш имконияти туғилди. Мемфилик Мозайя Бриджес исми болакай 9 ёшидан бошлаб бизнес билан шуғулланиб келади. Бугунги кунда унинг бойлиги 200 миң долларга тенг экани айтади. У олдий капалак-галстуклар ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Илк буюртмани Facebook

орқали олган болакай кейинчалик интернет-дўкон очди. Бундан ташқари Мозайя хайрия билан ҳам шуғулланади.

Маълумки, ёшлар жамятга ўз мақоми билан ажралиб туради. "Ёшлар аҳоли" тўғрисидаги Жаҳон ҳисоботида кўра сайёрамиз аҳолисининг 20 фоизини 14 дан 24 ёшгача бўлган ёшлар ташкил қилади. Ер юзидagi барча ёшларнинг 85 фоизи ривожланаётган мамлакатларда истиқомат қилади. Инсониятнинг бутун тарихи билан қиёслаганда, ҳозирги ёш авлод анча саводли дея тан олиншига қарамай, бугунги кунда 113 миллионга яқин бола мактабга бормайди. Умумий ҳисобда замонавий дунёда 130 миллион боланинг мутлақо саводсиз экани айтади. Дунёда муаммолар жуда ҳам кўп. Улар орасида ёшлар муаммоси алоҳида ўрин тутди. Бугунги кунда дунё мамлакатларида ёшлар тарбияси билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш асосий масалалардан бирига айланиб қолди. Улар ўз олдидаридagi муаммоларни ўзлари ҳал қилишга мажбур бўлмоқда. БМТ маълумотларига кўра, жаҳонда 15 дан 24 ёшгача бўлган ёшлар ҳамон ишсизлик ва қашшоқлик билан тўқнаш келмоқда. Ёшлар билан боғлиқ муаммолар бир неча ўн йиллардан бери тўпланиб қолгани боис, мазкур муаммоларни ҳал қилишнинг имконияти бўлмади.

Ҳозирги кунда дунё миқёсида бешафқат рақобат, қарама-қаршилик ва зиддиятлар тобора кескин тус олмоқда. Диний экстремизм, терроризм, гнёвхандлик, одам савдоси, ноқонуний миграция, "оммавий маданият" каби хавф-хатарлар қуяйиб, одамзод асрлар давомида амал қилиб келган эътиқодлар, оилавий қадриятларга путур етмоқда. Мана шундай ва бошқа кўплаб таҳдидлар инсоният ҳаётида жиддий муаммоларни келтириб чиқараётгани — аини ҳақиқат. Қуролли тўқнашув ва беқарорликлар туфайли 4,5 миллион бола Сурия, Афғонистон, Сомали, Судан ва Жанубий Судан тарк этган. Низолар давом этаётган минтақаларда

қолиб кетган болаларнинг ҳаёти хавф остида экани айтади.

Халқимизда "Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шуқор қил", деган ҳикматли мақол бор. Шундан келиб чиқиб, ҳозирги таҳликали дунёнинг бир қатор мамлакатларида кузатилаётган тўс-тўполонлар негизига эътибор берсак, уларда давлатнинг ўсиб-униб келаётган ёшларга, уларнинг ҳаётдаги қизиқишлари, ҳуқуқ ва манфаатларига эътиборсизлиги, улардаги ёшларга оид сиёсатнинг ҳозирги замоннинг янги таҳдидларига жавоб беролмаслиги оқибатини кўриш мумкин.

Президентимиз БМТ юксак миёнбаридан туриб "Бизнинг асосий вазифамиз — ёшларнинг ўз салоҳиятини намойён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, зўравонлик гоёси "вируси" тарқалишининг олдини олишдир. Бунинг учун ёш авлоднинг ижтимоий қўллаб-қувватлаш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш лозим, деб ҳисоблаймиз"

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида ёшларни маънавий етук ва жисмонан соғлом, ватанпарвар ва фидойи этиб тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Мазкур соҳадаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш ва янги юксак сифат босқичига кўтариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг "Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги фармонни қабул қилинди. Унга мувофиқ, ёшларга оид давлат сиёсатини изчил ва самарали амалга ошириш, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини тубдан ислоҳ этиш мақсадида Ўзбекистон "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати негизига Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил этилди. Ўзбекистон ёшлар иттифоқига 2017—2021 йилларда Ўзбе-

кистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасидаги ислохотларда ёшлар фаоллигини ошириш билан боғлиқ бир қатор янги ва муҳим вазифалар қўйилди. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи республикаимизда ёшларга оид давлат сиёсатининг амалга оширилишида давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамятининг бошқа институтлари билан самарали ҳамкорликни таъминловчи, "Ёшлар — келажақ бунёдкори" шiori остида профессионал фаолиятни амалга оширувчи тузилмага айланди.

Мамлакатимизда фарзандларимизнинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлиши йўлида кўрсатилган амалга оширилган нақдор авлодни Ватанга муҳаббат, истиқлол гоёларига садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашда юксак самаралар бермоқда.

Яқинда "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш ижтимоий маркази "Ўзбекистон ёшлари: ҳаётий қадриятлар, ахлоқ, ижтимоий йўналишлар" мавзусида ижтимоий сўров ўтказди. Тадиқот Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг "Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги ва "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги фармонларини ҳаётга жорий этиш мақсадида ўтказилган. Сўров натижалари ёшларнинг ҳаётий қадриятлари соҳасида таълимнинг устуворлигини кўрсатди. Бу Ўзбекистон ёшларининг таълим даражасини мунтазам оширишга бўлган интилишида намойён бўлмоқда. Сўров мустақиллик йилларида ёшлар орасида олий маълумотнинг ижтимоий аҳамияти мунтазам ортиб бораётганини, ёш ўзбекистонликлар хоржий тилларни, айнққса, инглиз тилини ўрганишга устувор аҳамият қаратаётганини, истиқлол йилларида мамлакатимиз ёшларининг онги жадал суръатлар билан ўсиб бораётганини кўрсатди. Бу ёшлар дунёқарашининг кенгайгани, уларда ватанпарварлик, Ватанга садоқат ва ифтихор туйғулари шаклланишида яққол намойён бўлди. Ўзбекистон ёшларига Ватанга муҳаббат ва унга фидоқорона хизмат қилиш ҳамда ҳимоя қилишга тайёр туриш билан ифодаланувчи юксак даражадаги ватанпарварлик туйғуси ҳосилдир.

Давлатимиз ёшлари ҳаётининг рози ва Ватани билан фахрланади. Бу Президентимиз раҳбарлигида олиб борилаётган самарали, ижтимоий йўналирилган ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳаётга жорий этилаётгани натижасидир.

Шарофиддин ТўЛАГАНОВ

►БУ ТУРФА ОЛАМ

ОДАМ ОРГАНИЗМИДА НОДОНЛИК ВИРУСИ ТОПИЛДИ.

АҚШдаги Хопкинс университети ва Небраска штати олимлари соғлом одам организмидан ақлни камайтирувчи ATCV-1 ҳоловирусини топишди. Олимларнинг таъкидлашича, мазкур вирус кўпроқ серсүв муҳитда тарқалади.



Тадиқот кўнгиллиларнинг оғиз бўшлиғидан олинган микроблар текшируви орқали ўтказилди. ATCV-1 одамлар ва сиқонларнинг билиш функцияларидаги ўзгаришлар билан бевосита боғлиқ бўлган вирусдир.

Олимлар тадиқот қатнашчиларида диққат ва ақлий фаолият даражасини билиш учун тест ҳам ўтказиб кўришди. ATCV-1 вирусини топилган кўнгиллилардаги тест натижалари мазкур вируссиз яшовчи инсонларнинг тест натижаларидан паст чиқди, яъни уларда диққат ва ақлий фаолият сустлиги аниқланди. Мазкур вирус топилган иштирокчиларда эса ахборотни қайта ишлаш юқори даражада экани аён бўлди.

УЗУМЗОРНИ ҚЎРИҚЛАШ ЙЎЛИ

Озарбойжонда бугунги кунда экинларга зарар етказувчи 220 га яқин турли паразит ва зараркундалар бор.




Мамлакат Кишлоқ ҳўжалиги вазирлиги ходимлари сўзларига кўра, аини пайтда зараркундаларга қарши кураш кимёвий моддаларсиз олиб борилмоқда.

Шу билан бирга, кўпгина фермерлар муаммони ҳал қилишнинг кўлбола усулларидан фойдаланмоқда. Хонлиглар қишлоғида яшовчи фермер Тохир Қурбонов яратган кашфиёт ўзига тегишли бир ярим гектар узумзорни асраб қолишга кўмак беришти. Фермер ўз йўлида автоматлаштирилган чанглаш мосламасидан фойдаланади.

Унинг кашфиёти қушлар ва ҳайвонлардан ҳимояловчи оддий қурилма бўлса-да, натижаси самарали. Бог эгаси бутун майдон чегараси бўйлаб ип тортиб чиқди ва устига консерва идишлари осиб чиқди. Бунда бир ноқулайлик — ипни доим кимдир қимирлатиб туриши керак эди. Тажрибали фермер бунинг ҳам имконини топди. Арқон четларини деворга осилган моторга улади. Двигател вақти-вақти билан ишлаши учун унга реле улади. Энди ҳар қадиқда мотор автоматик тарзда ёниб, ўзи айланаб, иплар мустаҳкамланади ва банкалар баланд товушлар чиқаради. Натижада овоздан қўрққан қуш ва ҳайвонлар узумзорга яқин йўлай олмайд.

"FACEBOOK" ФОЙДАЛАНУВЧИ ЮЗИНИ ТАНИЙ ОЛАДИ

"Facebook" ижтимоий тармоғи ўз фойдаланувчиларига аккаунтга кириш маълумотлари йўқолганда уларни тиклашга имкон берувчи "юзни таниш" технологиясини синовдан ўтказди.



Компания хабарига айтилишича, бу технология орқали фойдаланувчилар аккаунт уларга тегишли эканини осон ва тез тасдиқлай олишлари мумкин. Бу опция фойдаланувчилар қачондир ўз аккаунтларига ў ёрдамда кирган қурилмалар учун ишлайди. СМС бўйича икки омилли аутентификация билан бир қаторда бу функция ҳам шахсни тасдиқлашга ёрдам беради.

Агар юзни таниш функцияси ишончли ва ҳақерлар ҳўжумига бардошли бўлиб чиқса, унда кўп сонли фойдаланувчиларга тақдим қилинади. Юзни таниш ёрдамида қурилмани очиб технологияси "Face ID Apple"нинг янги "iPhone X" смартфонда қўлланган.

Компания агар смартфон фойдаланувчиси 13 ёшдан кичик бўлса, ўз эгасини адаштириб қўйиши мумкинлигини ҳам тан олган.

ДУБАЙДА УЧАР ТАКСИЛАР

Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳрида антиқ лойиҳага қўл урилди. Утмиш ва бугун уйғунлашган мазкур шаҳарда яқинда таксилар учиб юриши мумкин.



"Reuters" ахборот агентлиги хабарига кўра, Дубайда шаҳар расмийлари иштирокида илк дрон-таксилар тақдимоти бўлиб ўтди. Учувчи таксилар ҳали синовдан ўтказилмоқда ва яқин кунлар ичида шаҳар кўчалари, аниқроғи, осмон узра парвоз этиши мумкин.

Агар синов муваффақиятли ўтса, Дубай таксилари осмонда учувчи дунёдаги ягона шаҳарга айланади. Мазкур дрон-таксилар Германиянинг "Volocopter" номили дрон ишлаб чиқарувчи корхонасида тайёрланган. У ҳеч қандай ёқилгисиз, батарея билан ишлайди. Дрон-таксининг тепа қисмига 18 та «қанот» ўрнатилган. Биринчи синовда такси осмонга 200 метргача кўтарилган.

Айтиш керакики, Германия ва БАА ўртасидаги бу лойиҳани амалга ошириш учун АҚШ ва Европанинг яна 12 та корхонаси кураш олиб бормоқда.

Бундай таксилар кўчалар тирбандлигида жуда қўл келади. Яна бир жиҳати, уларни смартфон орқали исталган ҳудудга қақириш мумкин бўлади.

Интернет манбалари асосида Г.ТУРСУНПЎЛАТОВА тайёрлади.

►ЖУГРОФИЙ САЁҲАТ

Дунё харитасига назар ташлайдиган бўлсак, у ерда жуда ҳам кўп давлатларни кўраемиз. Уларнинг баъзилари ҳақида маълумотга эгамиз, баъзиларининг номини, очиги, эшитмаганимиз ҳам. Лекин биз бугун ҳаммага таниш бўлган Жанубий Корея давлатига саёҳат уюштирамиз. Мамлакатимиз тараққиётида муҳим роль ўйнаган, яқин ҳамкоримиз бўлмиш бу диёрга қизиқувчилар кўплай топилади, албатта.

Майдони 98,48 миң квадрат километр, аҳолиси 50 миллион кишини ташкил этади. Пойтахти — Сеул шаҳри. У тарихий шаҳарлар сирасига кирилади. 1394 йилдан Чосон давлатининг пойтахти ҳисобланган.

1910 йилда Япония Чосонни босиб олади ва Сеул япон губернаторининг қароргоҳи шаҳрига айланади. 1945 йилда Корея озодликка эришиб, Сеул яна пойтахтга айланди. У дунёдаги энг катта ва гўзал шаҳарлардан бири.

Мамлакат маъмурий жиҳатдан 9 вилоят ва вилоят

мақомидаги 2 шаҳар (Сеул ва Пусан)га бўлинади. Йирик шаҳарлари: Сеул, Пусан, Кванжу, Инчхон, Течжон, Улсан.

Утмишга назар ташлайдиган бўлсак, Корея ярим оролида одамлар сўнгги палеолит давридан яшай бошлаган. Миллодан аввалги V—VI асрларда ташкил топган Чосон биринчи корей давлатидир. Чосон корейсчада "Тонгги тароват" деган маънони англатади. Бу давлатнинг асосчиси афсонавий Тангун ҳисобланади. Корейлар Тангун даврини корейс халқининг ташкил топиш даври деб

ТОНГЛАРИ ТАРОВАТЛИ ДИЁР

билишди. Вақт ўтиб Когурё, Пекже, Пархе ва Силла давлатлари пайдо бўлган.

Корейс тили — мамлакатнинг давлат тили бўлиб, у олтой тилларига, баъзан тунгус-манжур тилларига кирилади, деб тахмин қилинади. Бу тил Корея Халқ Демократик Республикаси ҳамда Корея Республикасининг расмий тили ҳисобланади.

Корея иқлими — муътадил, бир-бирдан кескин фарқ қиладиган тўрт фаслга эга. Баҳори жуда ҳам ёқимли ва қўшли, айнққса, дархатлар гуллаганда манзара жудаёям зироийли бўлади. Кузда барглар сарғайиб, олтин туста кирганда ҳам гўзалликдан истаганча баҳраманд бўлиш мумкин. Табиат ёрқин тилда ва қизил рангларда товланиб, аҳолийб манзара ҳосил қилади.

Кореяда ҳам спорт соҳасига катта эътибор берилади. Энг оммавий спорт

тури бу — футбол. Голф, футболдан кейинги ўринда туради. Бу ўйини асосан ўрта ёшдаги эркеклар ўйнайди, кексалар эса тоққа интилади. Тоғ саёҳати — корейс миллатининг асосий оdatларидан бири.

Кореяда тиш шифокори хизмати жуда ҳам қиммат. Шунинг учун корейс халқи тиш гигиенасига қатъий амал қилади.

Корейслар йиғилишиб биргаликда овқатланишни яхши кўришади. Одатда уйма меҳмон таклиф қилинса, кундалик ейиладиган овқатлардан кўра, янада яхшироқ овқатлар билан сийлашади. Корейс тоумлари асосан пап (қайнатилган гуруч), шўрва, панчан (тури салатлардан иборатдир. Шўрвага ўхшаш таомлар танг, чиге бўлиб, панчаннинг эса кўкатлар, бугда пиширилган (чим), соям солиб пиширилган (чорим), оловда пиширилган (куи), қовурилган (пок-

ким), ёгда ташлаб олинган (твигим) ва чон каби овқатларни истеъмол қилишади. Панчаннинг асосий таркиби кимчи турлари ҳисобланади. Кимчи корейсларнинг дастурхондан тўшмайдиغان энг муҳим егулиги бўлиб, мазали таъм ва озуқалар, сақланиш услубларига эга. Турп, қарам, бодринг ва бошқа сабзавотларни тузлаб, унга қалампир, саримсоқ, пиёз, имбир, тузланган денгиз маҳсулотлари ва таъм берувчи зирворлар билан мариналаниб, бостирилиб қўйилади. Бу жараён яқинлар билан биргаликда амалга оширилади.

Корея Республикаси 1991 йил 30 декабрда Осиё — Тинч океани минтақаси давлатлари орасида биринчи бўлиб Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини тан олган. Ўзбекистон билан Корея Республикаси ўртасида 1992 йил январиди дипломатия муносабат-

лари ўрнатилгандан кейин сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳаларда кенг ҳамкорлик адоқалари йўлга қўйилди. Ўзбекистонда корейс сармоёси иштирокидаги 80 га яқин корхона бўлиб, улар транспорт, электроника, телекоммуникация, алоқа, тўқимачилик каби соҳаларга мансуб.

Хусния ЖУМАОБОВА тайёрлади.

МОҲИР ҲАЙКАЛТАРОШ УСТАХОНАСИДА

ТУРФА КАСБ ЭҒАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 25 августдаги фармони билан фан, таълим, соғлиқни сақлаш, адабиёт, маданият, санъат, маънавият ва маърифат, оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий соҳалардан бир гуруҳ юрtdошларимиз давлатимизнинг фахрий унвон, ордени ва медаллари билан тақдирланди. Улар орасида Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти доценти, ҳайкалтарош Туркман Эсонов ҳам бор. Ижодкор «Дустлик» ордени билан тақдирланди.

аке эттиришга ундарди. Шу боис Туркман Эсонов ўз асарларига миллий руҳ киритиш мақсадида Самарқандга қайтиб архитектура-қурилиш институтида расм, рангтасвир ва ҳайкалтарошлик кафедрасида ишлаб бoшлайди.

Рассом 1981 — 2005 йилларда Самарқанд бадий ҳайкалтарошлик ишлаб чиқариш устанонасида ҳайкалтарош-рассом бўлиб фаолият кўрсатди. Шу йилларда бир неча рес-

тариhi ҳам шу йўналиш билан боғлиқ. Негаки, бу заминда илгаридан ноидр пардоз ашёси — дунёга машҳур Ҳозгон мармари қазиб олинди. Шу боис бўлса керак, қишлоғимизда кўпчилик сангтарошлик касбини чуқур ўзлаштирган. Бу аъна бугун ҳам давом этмоқда. Менинг ҳам қизиқишимга моҳир сангтарош тоғам Абдурахим Турдиев сабабчи бўлган. У киши мармардан турли буюртмаларни қўйиллатиб


Туркман Эсоновнинг нафис санъат асарлари бугунги кунда Ватанимизнинг турли жойларини безаб турибди. «Карвон», «Амир Темур», «Мунозара», «Улуғбек шоғирлари билан», Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллиги муносабати билан Самарқанд туманидаги Гулобод кўрғонига ўзбек-тожик дўстлиги тимсоли бўлган «Алишер Навоий ва Абдурахмон Жомий» ҳайкали ўрнатилди. «Чўккалаган туя» ва «Сарбон етаклаган икки туя» асарлари шаҳарнинг рамзига айланган. Яна қанчадан-қанча жозибали ва салобатли ҳайкалтарошлик асарлари борки, улар моҳир ижодкорнинг санъати кенг аканлигини ифодалаб турибди.

Давлатимиз раҳбарининг фармонига биноан «Дустлик» ордени билан мукофотлангани тўғрисида Туркман Эсонов шундай дейди:

— Камгарона меҳнатларим инобатга олинди, давлатимизнинг нуфузли мукофотига лойиқ кўрилганимдан бошим осмонга етди. Бу рағбат малакатимизда бадий ижод аҳлига кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик намунаси бўлиб, мени янада фаол ишлашга, ўз асарларим билан юртимиз тасвирий санъати ривожига ҳисса қўлишга ундайди.

Ҳайкалтарош ўзининг мўъжаз устанонасида улуг аждоғларимиз, замонамиз қаҳрамонлари тасвирларини яратмоқда, кўпга сангтарош ёшларга устозлик қилмоқда.

Адхам ХАЙТОВ,
Тоҳир НОРКУЛОВ,
Ўзбекистон
Журналистлари
Ижодий уюшмаси
аъзолари



Бешикчи мақола

БОЙСУН МЎЪЖИЗАЛАРИ

ОНА ЮРТ БЎЙЛАБ

“Бойсун” ўрмон хўжалиги худудининг кенглиги, табиий бойликларининг кўплиги жиҳатидан Сурхон воҳасида салмоқли ўрин тутади. Унинг энг катта ўрмон бўлими — Кенгдала бўлиб, умумий майдони 30 минг гектардан зиёд. Қалин арчазорлар, чуқур даралар, ажойиб горлар, серсув сойлар айнан шу бўлимда жойлашган. Қолаверса, ўсимлик олами ва ҳайвонот дунёси ҳам жуда бой. Ижодий гуруҳимиз ана шу гўзалликни тасвирга олиш учун йўлга чиқди.

қолишига хизмат қилмоқда. Сабаби чорва моллари тоғ ёнбағридаги ёввойи тоқлар меваси ва япроғини пишмасидан еб кетади. Натижада улар ўз-ўзидан камайиб бораверади. Фақат қоятошлардаги ёввойи тоқлар ҳисобига уларнинг тарқалиш худуди сақланиб турибди. Чунки ўсимлик мевасининг уруғи пишиб тўкилиши натижасида атрофдан яна ток ниҳоллари кўкармоқда. Аҳоли томонидан чорва молларининг боқилиши ва ўтин сифатида ишлатилиши натижасида уларнинг тарқалиш майдони қисқариб кетган. Ёввойи тоқларни асраб-авайламоқ ҳар биримизнинг инсонийлик бурчимиздир.

“Кенгдала” ўрмон бўлимида чуқур даралар бор. Улардан бири — Хонқочди дараси бўлиб, узунлиги 3 километрга етади. Баландлиги 100-150 метр атрофида. Ичининг кенглиги 2 метрдан 6 метргача боради. Дарага қуёш нури деярли тушмайди. Жуда ваҳимали жой. Елғиз юришга қўрқасан киши. Чамаси 10 тонна келадиган улкан харсанг жарлик тепасида қисилиб ётибди. Тагидан ўтсанг, худди устинга тушиб кетадигандек туюлади. Буларнинг ҳаммаси сувнинг оҳақтошларни йиллар мобайнида эритиши натижасида пайдо бўлган табиат мўъжизасидир.

Бундан олтинмиш уч йил муқаддам Нуротанинг мармарга бай бўлган Ҳозгон қишлоғида дунёга келган Туркман Эсонов болалигидан

рассом ёхуд ҳайкалтарош бўлишни орзу қиларди. Отаси ўша даврнинг машҳур чўпонларидан бири, ҳатто депутат этиб сайланган Эсон бобо Едгоров ўғлининг қўлидан ушлаб пода ортидан эргаштирди, она табиатга қизиқтирди. Туркман буш қолди дегунча ёнида олиб юрадиган қорғога табиат манзараларини туширди.

Мактабни битиргач, Туркман ҳеч иккиланмай Ҳозгон чўллари билан хайрлашиб, Тошкентга йўл олди ва педагогика институтининг бадий графика бўлимига ҳужжат топширди. «Бўлар бола бошдан» деганларидек, бу дарғоқ бўлувчи ҳайкалтарош учун катта мактаб бўлди. Устозлари, иқтидорли рассомлар ўғти билан Санкт-Петербург (собиқ Ленинград) рангтасвир, ҳайкалтарошлик-архитектура институтида таҳсил олди. Энди унинг тафаккурига Нуротанинг кенгликлари торлик қилар, қалби улкамиз бўй-бастини рангтасвирда полотноларга тушириб ёки яхлит композицияга эга ҳайкалларда янада кенгроқ



публика ва халқаро миқёсдаги бадий кўргазмаларда асарлари билан иштирок этди. Хусусан, Россия, Латвия, Туркманистон, Бельгия каби давлатларга ўтказилган тадбирларда «Нурота», «Қизилқум чўлида», «Чўпон қизи», «Карвон», «Темур» каби асарлари билан қатнашди. Ҳайкалтарошнинг ижодий асарлари Тошкент, Бухоро ва Самарқанд давлат санъат музейларида, Урганч тасвирий санъат галереясида сақланмоқда.

Улардан XX асрнинг 30-йилларида яратилган «Тарнов», «Шерлар», «Афсонавий қуш» каби мармар асарлари сақланмоқда.

Бу нафис санъат соҳибига аксарият ишларини Ҳозгон мармаридан яратган. Бундан ташқари асарлар ёғоч, лой, терракота, шамот ва металл каби ашёлардан ҳам ясалган бўлиб, унда меҳнатқаш халқимизнинг аслияти ўз ифодасини топган.

Афсуски, тоғамга кейинчалик халқ душмани деган тамга қўйилиб, совуқ ўлкаларга сургун қилинади ва Сибирда дом-дараксиз кетади...

арбанд қишлоғидан ўтишимиз билан йўлнинг икки томонидаги баланд тоғлар эътиборимизни тортди. Улар баҳайбат қалъа деворларини эслатарди. Шу қояларга маҳлиё бўлиб, 3-4 километр йўл босибмиз. Бир пайт шундоққина йўлнинг пастида, Мачай дарёси бўйидаги булоққа кўзимиз тушди. Билсак, у “Шифобулоқ” экан. Булоқнинг бундай номланишига сабаб, сувнинг шифобахшлиги. Аниқроқ айтганда, Шифобулоқ суви таркибида олтинугурт кўп. Маҳаллий аҳоли бу водород сульфидли сувдан тери касалликлари ва бошқа хасталикларни даволашда фойдаланмоқда.

Экспедиция йўлда давом этди. Бироз вақт

риб, қайта ёқдик. Шу ондаёқ булоқ суви яна ёнди. Бу ҳақиқий мўъжиза. Оловни ўчириб сувдан ичмоқчи бўлдик. Лекин кўрқдик. Маҳаллий аҳолининг айтишича, қаҳратон қишда йўловчилар, чўпонлар шу булоқни ёқиб, исиниб, кейин яна оловни ўчириб, йўлида давом этаркан.

Ёнарбулоқни тасвирга олиб атрофга боқамиз. Теварак юксак тоғлар билан ўралган. Пастда Мачай дарёси тип-тиник бўлиб, тошлардан-тошларга урилиб, шовуллаб оқмоқда. Саратон тафтида тоғ ёнбағридаги ўт-ўланлар қовжираб қолган. Фақат ёввойи тоқлар ям-яшил бўлиб, атрофга ажиб гўзаллик бағишлаб турибди. Ўзбекистон “Қизил китоб”ига киритилган бу ўсимлик нафақат қияликларда, балки баланд қояларда ҳам ўсар экан. Мана



ўтгач, ҳайдовчимиз: “Мана ёнарбулоқ”, деб қолди. Йўлнинг чап томонида, баланд қоялар пастида, тош-шағаллар орасидан муздай сув қайнаб чиқиб ётибди. Олдин бу сувнинг ёнишига ишонмадик. Гургурт чаққан эдик, булоқлов этиб ёнса буладимиз. Ҳаммамиз ҳайратда қолдик. Олов тафтига қўлимизни тутамиз. Жуда иссиқ. Ер тагидан чиқаётган газ ёки сувдаги мой оловда ёниб тутаган бўлса керак, деб гулхани ўчи-

риб ёввойи тоқларнинг бир сиким ҳам тупроқ йўқ жойда, харсанглар ёригида илдириб отиб, кўкариб туришининг ўзи бир мўъжиза. Ушбу ноёб ўсимликларнинг қоятошларда ўсиши уларнинг сақланиб

Хақиқатдан ҳам, Бойсун тумани табиати мўъжизаларга бой. Бу эса ушбу заминга келувчи сайёҳлар сафининг янада кенгайишига хизмат қилиши шубҳасиз.

Абдулла МАМАСОДИҚОВ,
“Dunya bo'ylab”
телеканали масул котиби

ЭЪЛОНЛАР

2017 йил 27 октябрда Республика Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг навбатдан ташқари конференцияси бўлиб ўтди.

Эргашев Улуғбек Анвар ўғлига И.Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети томонидан берилган 206М-16-рақамли рейтинг дафтарчаси(зачетка) йўқолгани сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани Х.Ғафуров кўчасида жойлашган Балтабаева Огулбибига тегишли бўлган 35-уйнинг режаси ва кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

HURRIYAT
Mustaqil gazeta
Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Бош муҳаррир
Ўқтам МИРЗАЁРОВ
Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080-рақам билан рўйхатга олинган.
Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2. Баҳоиси келишидан нарҳда
Адади: 2620 Буюртма — V-163 1 2 3 4 5

Тахририятга келган хатлар доимий эътиборимизда бўлиб, улар муваффақиятга қайтарилмайди.
Телефон: (0-371) 244-32-68, 244-32-88
Тел-факс: (0-371) 244-32-80
Реклама ва маркетинг бўлими: (0-371) 244-32-91
Топшириш вақти — 20⁰⁰ Топширилди — 18⁰⁰

Индекс: якка обуначилар ва таъхсилотлар учун — 237

Манзилимиз: 100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Газета тахририят компьютер марказида терилди ва оператор Нисора Ташева томонидан саҳифаланди.
Навбатчи: Бобур Муҳаммадиев
“O'zbekiston” НМИУ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

ASAKA BANK

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!
«Асака» банк

2017 йил «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» деб эълон қилиниши муносабати билан қуйидаги миллий валютадаги муддатли янги омонат турини тақлиф этади:

«МАНФААТЛИ-2017»
Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фойзалар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Шу билан биргаликда, «Асака» банк миллий валютада 26 турдаги ва хорижий валютада 13 турдаги қулай шартларда омонат турларини тақлиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш жамғармаси томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз:
- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

(+99871) 120-39-81 | 120-39-60 | 120-39-63
www.asakabank.uz
Хизматлар лицензияланган

«Асака» банк сармоянги сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!